ТАЛАБАЛАРДА ДИНИЙ МАЗМУНДАГИ АХБОРОТЛАРНИ ИДРОК ЭТИШГА РАЦИОНАЛ ЁНДАШУВ КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

ФОРМИРОВАНИЕ У СТУДЕНТОВ НАВЫКОВ РАЦИОНАЛЬНОГО ПОДХОДА К ВОСПРИЯТИЮ ИНФОРМАЦИИ РЕЛИГИОЗНОГО СОДЕРЖАНИЯ

TO DEVELOP STUDENTS' SKILLS IN A RATIONAL APPROACH TO THE PERCEPTION OF INFORMATION WITH RELIGIOUS CONTENT

Kasimova ZEBO XAMIDOVNA,
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN,
doctor of philosophy PhD,
professor of the Psychology religion and Pedagogy
Zebo-1972@mail.ru
11,A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan.

DOI: 10.47980/IIAU/2023/1/9

Аннотация: *Ушбу мақолада талабаларда диний мазмундаги ахборотларни идрок этишга нисбатан рационал ёндашув кўникмасини шакллантириш ижтимоий психология, хусусан, дин психологияси соҳасида долзарб аҳамият касб этиши илмий-назарий жиҳатдан асослаб берилган. Мақолада кўтарилган муаммо муаллифнинг диссертацион тадқиқот мақсадидан келиб чиққан ҳолда таҳлил этилган.*

Инсоният ахборот оқими тобора тезлашиб бораётган, аҳоли кайфиятини, руҳиятини, мақсад ва интилишларини, қолаверса, бутун тафаккур тарзини ўзгартиришга қодир бўлган ахборот технологияси вужудга келган бир даврда яшамоқда. Ахборот асрида жаҳон ҳамжамияти билан тобора интеграллашиб бораётган Ўзбекистонда ҳам бошқа мамлакатлар қатори бугунги кунда ахборот тўплаш, тарқатиш ва уни тасарруф қилиш жараёни жадаллашиб бормоқда.

Интернет, телевидение, радио, видео, телефон алоқалари ва шу кабиларнинг ривожланиши ёшлар маънавий дунёсининг илмий, ақлий, ҳиссий, руҳий, ахлоқий, мафкуравий, сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, экологик, эстетик, бадиий, диний каби кўп қиррали таркибий қисмларига доимий таъсир этиш воситаларига айланди.

Айрим кучларнинг саъй-ҳаракатлари билан ахборот ҳарбий снарядга, оммавий ахборот воситалари эса тажовуз қуролига айлантирилмоқда. Гарчи ахборот дайди ўқ сингари инсонни жисмонан йўқ қила олмаса-да, унинг қўпорувчилик кучи, келтирадиган зарари ҳар қандай оммавий қирғин қуролидан кам эмас. Чунки бу қурол ёрдамида онгга берилган зарбалар кишини адаштиради, уни ўз манфаатига зид ҳаракат қилишга ундайди, демак, инсонни бошқариш, унинг устидан ҳукмронлик қилиш яъни руҳий манипуляция қилиш имконини беради. Бу қурол ахборот хуружидир. Бундай қурол ёрдамида олиб бориладиган ахборот урушида инсон онги, миллат руҳияти нишонга олинади. Бу урушда бинолар зарар кўрмаса, одамлар ўлдирилмаса, моддий бойликларга шикаст етмаса-да, унинг мафкуравий, маънавий, руҳий зарари ҳар қандай ядровий уруш зараридан ҳам кучли.

Ислом дини бузғунчиликни, одамлар қалбига ваҳима, душманлик ва фитна уруғларини сочишни қаттиқ қоралайди. Маълумки, сўнгги йилларда динни ниқоб қилиб олган оқимлар, тоифалар пайдо бўлди. Улар ғаразли мақсадлари йўлида жамиятда бузғунчилик, бегуноҳ одамлар онгини чалғитиш, уларнинг онг ости қатламларига алдов йўллари билан психологик манипуляцион таъсир кўрсатиш каби ҳаракатларни авж олдириб, фуқаролар тинчлигини бузиб, халқ орасида низо чиқаришга ҳаракат қилишмоқда.

Ушбу мақолада муаллиф диний мазмундаги ахборотларни идрок этишга талабаларда рационал ёндашув ва соғлом муносабатни қарор топтириш, уларда ижтимоий тармоқлар орқали қабул қилинаётган ахборотларни саралаш кўникмаларини ривожлантиришга йўналтирилган методик тавсиялари келтирилган.

Калит сўзлар: *ахборотни идрок этиш, тафаккур, рационал ёндашув, диний мазмундаги ахборот, ахборот хуружи, инсон онги ва қалби, оммавий ахборот воситалари, интернет, ижтимоий тармоқлар.*

Аннотация: *В данной статье научно и теоретически обосновано, что формирование у студентов способности рационального подхода к восприятию религиозной информации имеет актуальное значение в области социальной психологии, в частности, психологии религии. Поднятая в статье проблема анализируется исходя из цели диссертационного исследования автора.*

Человечество живет во времена, когда поток информации ускоряется,и появляются информационные технологии, способные изменить настроение, менталитет, цели и стремления населения, а также образ мышления. В информационную эпоху процесс сбора, распространения и использования информацией ускоряется как в Узбекистане, который все больше интегрируется в мировое сообщество, так и в других странах.

Развитие интернета, телевидения, радио, видео, телефонной связи и др. оказывает постоянное воздействие на научную, интеллектуальную, эмоциональную, духовную, нравственную, идеологическую, политическую, экономическую, правовую, экологическую, эстетическую, художественную, религиозную сферы в качестве многогранных составляющих духовного мира молодежи стали инструменты.

Усилиями деструктивных сил информация может быть превращена в оружие, а СМИ в оружие агрессии. Хотя информация не может физически уничтожить

человека, разрушительная сила и ущерб от нее могут быть не меньше, чем у любого оружия массового поражения. Потому что удары, наносимые с помощью этого оружия, вводят человека в заблуждение, побуждают его действовать вопреки своим интересам, а также позволяют контролировать человека, властвовать над ним, осуществлять ментальные манипуляции. Это оружие — информационная атака. В информационной войне, ведущейся с помощью такого оружия, мишенью является человеческий разум и психика нации. Хотя в этой войне не разрушаются здания, не гибнут люди и не уничтожаются материальные ценности, ее идеологический, моральный и духовный ущерб сильнее любой ядерной войны.

Известно, что в последние годы появились различные течения и секты, маскирующиеся под истинную религию. Преследуя свои злонамеренные цели, они преследуют такие действия, которые ведут к разрушению общества, введению в заблуждение сознания невинных людей, оказанию психологического манипулятивного воздействия на их подсознание путем обмана, а также нарушению спокойствия граждан и попыткам создать конфликт между людьми.

В данной статье автором представлены методические рекомендации, направленные на формирование у студентов рационального подхода и здорового отношения к восприятию информации религиозного содержания, развитие у них навыков сортировки информации, полученной через социальные сети.

Ключевые слова: *восприятие информации, мышление, рациональный подход, религиозная информация, информационная атака, разум и сердце человека, СМИ, Интернет, социальные сети.*

Abstract: *This article scientifically and theoretically substantiates that the formation of students' ability of rational approach to the perception of religious information is of urgent importance in the field of social psychology, in particular, the psychology of religion. The problem raised in the article is analyzed based on the purpose of the author's dissertation research.*

Mankind is experiencing a lifetime when the flow of information is accelerating and information technology has emerged, capable of changing the mood, mentality, goals and aspirations of the population, as well as the entire way of thinking. In the information age, the process of collecting, disseminating and managing information is accelerating both in Uzbekistan, which is becoming increasingly integrated into the global community, and in other countries.

The development of the Internet, television, radio, video, telephone and other communication sources has had a constant impact on the scientific, intellectual, emotional, spiritual, moral, ideological, political, economic, legal, environmental, aesthetic, artistic, religious and multifaceted components of the spiritual world of young people.

Through the efforts of some forces information is being turned into a military projectile and media into a weapon of aggression. Although information is not able to physically kill a person like a bullet, its destructive power and damage is no less than any weapon of mass destruction. Because the attacks to the mind with this weapon mislead a person, induce him to act against his interests. It allows him to control a person, to dominate him, that is, a person can be mentally manipulated. This weapon is an information attack. In information warfare waged with such weapons, the target is the human mind and psyche of the nation. While this war does not damage buildings, kill people or damage material values, its ideological, moral and spiritual damage is greater than any nuclear war.

Islam strongly condemns evil, sowing the seeds of fear, enmity and rebellion in the hearts of people. In recent years currents and categories have emerged under the guise of religion. In pursuit of their malicious goals, they carry out actions such as destroying society, misleading the minds of innocent people, psychologically manipulating their subconscious layers by deception, disturbing the peace of citizens and trying to create conflict between people.

In this article the author presents methodological recommendations aimed at forming students' rational approach and a healthy attitude to the perception of information of religious content, and developing students skills of sorting information obtained through social networks..

Keywords: *perception of information, thinking, rational approach, religious information, information attack, human mind and heart, mass media, internet, social networks.*

КИРИШ

Ижтимоий тараққиёт жараёнлари шуни кўрсатадики, ахборот нафақат илм-фан, ижтимоий-иқтисодий соҳа, балки ҳар бир инсоннинг ривожланишига ҳам таъсир кўрсатади. Бугунги кунга келиб ахборотни узатиш, уни тўғри етказиш тарзи ўзгармоқда, бунда визуализациялаш, компьютер графикаси ва гипермедиа ресурслари анъанавий маълумот ташувчилар билан бир хил ўринни эгалламоқда. Натижада, ахборотнинг инсон онгига таъсирчанлик даражаси ҳам ўзгармоқда.

Бугун инсон ҳаётини интернет тармоқлари ва оммавий ахборот воситалари орқали узатилаётган ахборот ёки янги маълумотларни ўз фаолиятида у ёки бу тарзда қўлламаслигини тасаввур этиб бўлмайди. Шахснинг у ёки бу мазмундаги ахборотни идрок этиши унинг тарқалиш каналларига боғлиқ жараён ҳисобланади.

Ахборотларни инсон ақли, хоҳиши ва ҳис-туйғуларига таъсири жиҳатидан қуйидагича намоён бўлмоқда: яъни тез таъсир этувчи, маълум бир вақт ёки доимий таъсир этувчи, ижобий ва салбий таъсир этувчи, фикр ва дунёқарашни ўзгартирувчи, маълум воқеликни қабул қилиш ёки рад этишга таъсир қилувчи, қисман ёки оммавий таъсир

этувчи, бевосита ва билвосита таъсир этувчи, очиқ ва махфий таъсир этувчи ахборотлардир. Кўриниб турибдики, информацион глобаллашув даврида интернет тармоғидаги бундай ахборотларнинг инсон фикри ва турмуш тарзига таъсири жуда кучли. Шу билан бир қаторда динга оид ахборотларни тарқатиш имкониятлари ҳам жуда катта. Диний мазмундаги ахборотлар ўз ичига дунёнинг турли динлари асоси, тарихи, мафкураси, таълимотлари ва шарҳлари (Nematullo Mukhamedov, Lazizakhon Alidjanova, 2020:1242-1246), шунингдек, маросимларини акс эттирган китоблар, брошюралар, журналлар, газеталар ва бошқа босма нашрлар, аудиовизуал асарлар (телевидение, кино ва видеофильмлар, клиплар, концерт дастурлари ёзувлари, мультфильмлар, аниме, ҳентаи ва бошқалар), электрон ахборот ташувчилар (CD, DVD дисклар, Интернетда жойлаштирилган материаллар ва бошқалар)ни олади.

Интернет тармоғидаги ахборотлардан, хусусан, диний мазмундаги ахборотлардан фойдаланиш маданиятини ошириш бугунги давр талабидир. Чунки ҳозирги кунда интернет тармоғида дин ниқоби остидаги сайтларда соф исломий тушунча ва ғояларни бузиб талқин қилиш ва шу орқали инсон онги ва онг остига таъсир ўтказиш ҳоллари учрамоқда. Инсонларда ахборот истеъмоли маданияти етарли даражада шаклланмаган бўлса, бунинг оқибати салбий натижаларга ва нохуш ҳолатларга олиб келиши мумкин. Айниқса, интернет орқали сохта диний даъватларга ишониб, алданиб қолган кимсалар тақдири қандай якун топаётганини кўриб турибмиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Биз муқаддас динимизни зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга қўядиганларни қатъий қоралаймиз ва улар билан ҳеч қачон муроса қила олмаймиз” (*Мирзиёев Ш., 2018:253*).

Бузғунчиликка даъват этувчи кучлар, ўзининг сохта ғояларини дунёнинг исталган нуқтасидан туриб замонавий ахборот технологиялардан фойдаланган ҳолда давлат ва жамият барқарорлиги ҳамда умумжаҳон хавфсизлигига таҳдид солаётган ғояларни ёшлар онгига кенг ёйишга ҳаракат қилиб келишини кузатишимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 апрелдаги “Диний мазмундаги материалларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш ҳамда диншунослик экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги 180-сон қарорида таъкидланганидек, “Материалларни қуйидаги мақсадларда тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатишга йўл қўйилмайди:

– жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ёки ижтимоий мавқеига қараб ёхуд бошқа ҳолатларга кўра фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини камситиш ёки ўзга шахслар маҳсулотларини обрўсизлантириш;

– Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартириш, унинг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигига путур етказишга даъват қилиш;

– уруш, зўравонлик, терроризм, шунингдек, экстремизм, сепаратизм, диний ақидапарастлик ёки мутаассиблик билан йўғрилган ғояларни тарғиб қилиш;

– миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатувчи ахборотни тарқатиш;

– диний эътиқодни ўзгартиришга даъват қилиш;

– динга эътиқод қилувчиларнинг ҳис-туйғуларини ҳақорат қилиш ёки камситиш;

– давлат, жамоат ёки диний ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва мол-мулкига тажовуз қилишга ундаш (*ЎР ВМ-180-қарор, 2022 йил 14 апрель*).

Оммавий ахборот воситалари турли хил фикрлар, ранг-баранг қараш ва ёндашувларга кенг йўл очиб беради. Ҳаётимизда юз бераётган янгиланиш ва ўзгаришларга одамларнинг онгли муносабатини уйғотади. Жамият ҳаётининг турли қирраларини тезкорлик билан акс эттиради. Ўзига хослик ва хаққонийлик тамойилларига таяниб, фаолият юритади, баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қилади.

Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев “Кейинги пайтда оммавий ахборот воситалари ходимларининг демократик жараёнлар, фуқаролик жамиятини барпо этишдаги ўрни ва нуфузини, маҳаллий газеталар, теле-радиоканалларнинг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, энг асосийси, матбуотда фикрлар, қарашлар хилма-хиллигини таъминлаш бўйича жиддий ишлар амалга оширилгани сизларга яхши маълум, албатта” - деб таъкидлаб, уларнинг ижтимоий тарбия соҳасидаги ролини кўрсатиб бердилар (Мирзиёев Ш., 2020:25).

Олимларнинг фикрича, инсон 85 фоиз ахборотни *кўриш* орқали олади ва қолган 15 фоиз ахборотни *эшитиш* орқали олар экан. Демак, бу ўринда телевидение ва интернетнинг роли ҳар қачонгидан ортади. Кейинги пайтларда интернет билан боғлик бузғунчиликлар, глобал тармоқдан қабиҳ мақсадда фойдаланаётганлар кўпайиб

бормоқда. Оқибатда, залолатга бошловчи электрон нашрлар ва видеолавҳалар кенг ёйилмоқда.

Ғаламис кимсалар ёшларни ўз тузоқларига илинтиришда интернетдан усталик билан фойдаланмоқда. Ўзларини "яқин дўст" ёки "ҳидоятга чорловчи" сифатида танитиб, ёшларни тўғри йўлдан чалғитмоқда. Аслида, уларнинг дин ва шариат ҳақидаги билими саёз, савияси паст кишилар, фақатгина тўда бошидан ёдлаб олганларини такрорлашдан нарига ўтмайдилар. Бошқа томондан қараганда, улар бу жоҳиллиги билан бошқаларни ҳам жар ёқасига тортаётгани ва кимнингдир ноғорасига ўйнаётганини билмайдилар. Бундайлар аввал дину диёнат, ибодат, жаннат ҳақида турли жозибали сўзларни гапириб, ғўр ёшларни йўлдан уриб, охир-оқибатда, разолат қурбонига айлантирмоқда.

УСЛУБЛАР

Интернетдан олинган ахборот холис, ишончли ва зарарсиз эканини билиш муҳим ҳисобланади. Яхши-ёмоннинг фарқига бормаган ёшлар интернет орқали тарқатилган ҳар қандай маълумот-хабарларни ҳақиқат деб қабул қилаётгани инсонни хавотирга солади.

Сарҳадсиз интернет дунёсига кирган шахс вақт, умр ғанимат эканини доимо ёдда сақламоғи лозим. Зеро, бу глобал тармоқ бепоён ҳудудларга эга бўлиб, унда инсон адашиб соатлаб, кунларини самарасиз ўтказиб юбориши мумкин.

Ҳар бир одам ўзига хос хусусиятларга ва фарқларга эга бўлгани боис, захирадаги қўшимча имкониятларнинг ишга солнишига турлича таъсир кўрсатади. Кимдир тезлашган суръатларга дош берса, шароит ўзгаришларига мослашса, руҳиятга зарар етказа оладиган омилларга қаршилик кўрсата олса, кимлардир психологик-физиологик ва ҳиссий ҳолатдаги сезиларсиз ўзгаришларни ҳам қийинчилик билан қабул қилади. Ички қулайлик ҳиссининг сезиларли даражада етишмаслиги негизида ҳимоя реакцияси сифатида аддикциялар шакллана бошлайди.

Аддиктив хулқ-атвор индивид томонидан энг кам қаршилик кўрсатиш йўли сифатида қабул қилинади, бунда аддиктив агент ноқулайлик ҳолатини ички уйғунлик ҳиссига алмаштиради, яъни шу тариқа аддиктив имкониятларнинг турли вариантлари ёрдамида салбий ҳиссиётларни вақтинча бўлса ҳам ўчириб қўйгандек субъектив тасаввурлар ҳосил қилади.

Диний аддикция катта хавф туғдиради, шу боис психиатрия ва психологияга "сиғиниш жароҳати" деган паталогия тури киритилди, бу ерда деструктив диний ташкилотлар томонидан қўлланиладиган ва инсон онгини ўзгартиришга қаратилган таъсирлар йиғиндиси тушунилади. Сиғиниш жароҳати сабаблари инсоннинг муҳит билан ўзаро таъсирлашувининг бузилиши билан боғланади, бунинг натижаси ўлароқ "алоқа чегараси" юзага келиб, эҳтиёжларни қаноатлантириш шу чегарада юз беради. Қониқиш олинганда, эҳтиёж ўз ўрнини бошқа эҳтиёжга бўшатиб беради. Диний аддикцияли одамларда "контакт-кетиш" жараёни бузилади (Айрапетова А., 2021:5).

Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги ҳар бир шахснинг ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва тарқатишга ҳақли эканини билдиради. Мустақиллик йилларида юртимизда бу борада мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 30-моддасида барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжат, қарор ва бошқа хил ахборотлар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозимлиги белгилаб қўйилган. 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган "Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида"ги Қонунга кўра, мамлакатимиздаги ҳар бир фуқаро ўз манфаатларига дахлдор ахборотларни олиш имкониятига эга.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида: "Ўтган 3 йил мобайнида Ўзбекистонда сўз эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларини ҳар томонлама ривожлантириш, журналист ва блогерларнинг эркин фаолият юритиши ва ижод қилишлари учун ҳуқуқий асослар ва кенг имкониятлар яратилди. Бундан кейин ҳам "тўртинчи ҳокимият" вакилларининг эркин ва холис фаолият юритишлари, мамлакатимизда амалга оширилаётган жадал ислоҳотларни халқимиз ва халқаро ҳамжамият учун очиқ-ойдин ёритишлари учун барча шарт-шароитларни яратамиз", - деб таъкидланган (Мирзиёев Ш., 2020:4).

Бу борада тадқиқотчи Н.Умарова шундай ёзади: "...Ахборотлаштириш жараёнининг ижобий жиҳатлари билан бир қаторда ахборот соҳасидаги ютуқлардан ёмон ниятларда фойдаланиш хавфи ҳам туғилмоқда. Бунда ахборотдан жаҳонда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, давлатларнинг суверен тенглиги тамойилларига амал қилиш, низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш, кучдан фойдаланмаслик, ички ишларга аралашмаслик, инсон ҳуқуқи ва эркинликларини ҳурмат қилиш каби мақсадларга

зид равишда фойдаланилмоқда” (Умарова Н., 2005:4). Бундан келиб чиқадики, аксарият ҳолларда ёш йигит ва қизлар информацион хуружнинг асосий объектига айланмоқдалар.

Бу ҳақда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов огоҳлантириб: “бугунги кунда инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин” лигини таъкидлайди (Каримов И., 2008:115). Биз бундай хатарларга доимо сергак, огоҳ ва хушёр бўлиб яшашимиз, уларга қарши ҳар томонлама чуқур ўйланган, пухта илмий асосда ташкил этилган, мунтазам ва узлуксиз равишда олиб бориладиган маънавий тарбия билан жавоб беришимиз зарур. Ана шундагина аҳолимиз, айниқса, ёшларимиз воқеликка очиқ кўз билан қараб, жаҳонда ва ён-атрофимизда мавжуд бўлган, тобора кучайиб бораётган маънавий таҳдид ва хатарларни, тарқатилаётган турли маълумот ва ахборотларни тўғри баҳолаб, улардан тегишли хулоса ва сабоқ чиқара олади.

Информацион таҳдид ва унинг психологик моҳияти кўплаб сиёсатчилар, психологлар изланишларининг предметига айланиб бормоқда. Россиялик олим Г.Почепцовнинг таъкидлашича, ахборот урушида энг аввало психологик қонуниятлар инобатга олинади, чунки унинг асосий мўлжали – инсон онгидир (Почепцов Г., 2015:31).

Инсон онгини бошқариш, уни психологик таъқиб остига олиш, яъни руҳий манипуляция оммавий тарзда тарқалиб бораётганлиги ҳақида рус психологи Г.В.Грачев тўхталиб, ўз тадқиқотларида шахснинг ахборот психологик хавфсизлиги, оммавий коммуникация воситаларининг функциялари, инсон руҳиятини психологик ҳимоя қилиш усуллари ҳақида илмий қарашларини баён этган (Грачев Г., 1998:48).

Психология фанлари доктори, профессор В.Каримова ахборот уруши асосий усуллари ҳақида фикр юритиб, улардан бири бўлган ***Ахборот орқали “онгни тозалаш” механизми*** ҳақида шундай дейди: “Ахборот орқали “онгни тозалаш” механизми асосли ёки асоссиз, ўринли ёки ўринсиз ахборот етказиш орқали омманинг онгини бошқаришга таянади. Буни психологлар психиканинг “калити” деб изоҳлашади. Чунки одам ҳамиша янгиликка қизиқади, “Бу нима?” рефлекси айниқса, кичик ёшли ва ўсмирлик ёшидаги болаларда кучли бўлгани сабабли, улар танқидсиз ҳар турли маълумотни қабул қилишга мойил бўладилар” (Каримова В., 2001:16).

Шунингдек, у психологик ҳимоя ҳақида тўхталиб: “Дунё бўйича оммавий ахборот воситалари орқали таъсир кучайган шароитда, ёшларнинг маънавий жиҳатдан тарбияланганлиги ўта долзарб бўлган бир шароитда ёшлар онгини психологик ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратиш зарур, психологик ҳимоя воситалари ёки механизмлари ишга тушиши ва самара бериши учун эса, аввало, ҳар бир инсон учун ***мустақил фикр*** зарур. Чунки мустақил фикрга эга бўлган инсонгина ўзига нисбатан қаратилган яхши ёки ёмон маълумотнинг моҳиятини англаб етиши ва унга нисбатан адекват, тўғри, оқилона муносабатни намоён этиши, ички психологик ҳимоя механизмларини ишга солиши мумкин”, - дея таъкидлайди (Каримова В., 2010:37).

Юқорида зикр этилган психологик ҳимоя воситалари ёки механизмлари ишга тушиши ва самара бериши учун аввало, ҳар бир инсон учун ***мустақил фикр*** зарур. Чунки мустақил фикрга эга бўлган инсонгина ўзига нисбатан қаратилган яхши ёки ёмон маълумотнинг моҳиятига етиши ва унга нисбатан адекват, тўғри, оқилона муносабатни намоён этиши, ички психологик ҳимоя механизмларини ишга солиши мумкин.

Мустақил фикрлашдан маҳрум, итоаткор, жисмоний эҳтиёжнинг қулига айланган одамлар манқурт ёки “зомби” деб аталади. Атоқли ёзувчи Чингиз Айтматов ўзининг “Асрга татигулик кун” асарида “Зомби” ҳодисасини шундай тасвирлайди: “Асирдаги тутқунларни одамлардан йироққа, сувсиз, емишсиз, кимсасиз яйдоқ далага, оёқ-қўллари боғлиқ ҳолда жазирама офтоб тиғига элтиб, даҳшатли тарзда қийнаб, унинг хотирасини йўқотар экан. Зўрлаб эс-ҳушидан жудо этилган қул – манқуртга айланарди. Шунинг учун ҳам манқурт ўнта соғлом тутқундан кўра қимматли турарди. Бундай инсонлар ўзининг ким эканини, қайси уруғ-аймоқдан эканини, исмини, ота-онасининг кимлигини бутунлай ёддан чиқарган бўлиб, ўзининг одамлигини унутиб юборади. Одатда уларга энг зерикарли, энг машаққатли, овсарларча сабр-тоқат талаб этиладиган машғулотлар топширилар эди” (Айтматов Ч., 1989:18).

Бу ҳақда социология фанлари доктори, профессор М.Бекмуродов шундай ёзади: “Турли хил диний эътиқодларни аҳоли онгига сингдириш орқали сиёсий, мафкуравий мақсадларга эришиш ҳаракати XX аср охири ва XXI аср бошларидаги даврнинг ўзига хос хусусиятига айланиб бормоқда. Оммага мафкуравий тазйиқ ўтказиш хусусияти дунёдаги

энг йирик ислом, христианлик, буддавийлик ва иудаизмдан иборат 4 диндаги анъанавий эътиқод амалларидан ажралиб чиққан мазҳаблар, секталар, оқимлар фаолиятида айниқса, бўртиб намоён бўлмоқда. Диний эътиқод орқали таъсир ўтказиш жараёнлари одамлар онги, дунёқарашини ўзгартириш ва пировард натижада уларни маънавий манқурт – зомбига айлантириш билан якун топмоқда. Ёшлар онгини заҳарлаб, уларни зомби қилиш механизми қандай тарзда намоён бўлиши, бу жараён қай тарзда кечиши, мафкуравий мухолифларимиз ўзларининг ғаразли мақсадларига эришишлари учун қандай шакл ва услублардан фойдаланаётганликларини тадқиқ этиш - бугунги куннинг фавқулодда муҳим масалаларидан саналади" (Бекмуродов М., 2006:2).

"Маънавиятга четдан бўладиган салбий ва ўта салбий таъсирлар бор ва бўлади. Яқин келажакда бу хавф-хатарлар камаяди, деб ўйлаш, камида – соддадиллик, росмана айтганда – жинояткорона бепарволик бўлар эди. Ташқи маънавий таҳдидларни тўхтатиш, таъқиқлаш, ихоталаш осон эмас. Шундай экан, ҳар қандай ташқи ғоявий, ахлоқий таъсирга нисбатан мафкуравий иммунитет, яъни ҳар бир ўзбекистонликда ташқи ғоявий таъсирни "маънавий элакдан ўтказиш қобилияти"ни шакллантириш маънавий-маърифий, тарбиявий ишларимизнинг биринчи вазифаси бўлмоғи зарур. Токи одамларнинг ўзи ҳар бир ахборотни, янгилик ва билимни ақл тарозусида тортиб, маънавият элагидан ўтказиб, яхшини ажратиб олсин, ёмонни даф этиб, ёнидагиларни ҳам бундан огоҳлантирсин" - дея таъкидлайди профессор М.Қуронов (Қуронов М., Жабборов Ҳ., 2017:16).

Фалсафа фанлари доктори, профессор А.Очилдиевнинг қуйидаги фикрлари ҳам биз тадқиқ қилаётган муаммонинг нақадар долзарб эканлигини тасдиқлайди: "Оммавий ахборот воситалари орқали амалга ошириладиган ва катта маблағ талаб қилмайдиган ғоявий таъсир ва тазйиқнинг ўзига хослиги шундаки, у ўқувчи, тингловчи ёки томошабинга сездирилмасдан амалга оширилади ва бевосита қурбонларни келтириб чиқармайди. Ахборот душманни йўқ қилмаган, катта ҳаражатни талаб қилмаган ҳолда юқори самара беради. Бунда ғоявий таъсир йўналтирилган мамлакатлар аҳолисининг хоҳиш-истаклари, менталитети, мавжуд муаммолари жиддий ўрганилган ҳолда асосий диққат кишилар онги ва дунёқарашига таъсир кўрсатишга, шаклланган қадриятларни ўзгартиришга, уларнинг регуляторлик ролини камайтиришга ёки бутунлай йўққа чиқаришга қаратилади. ...Шундай экан, ҳар бир фуқаромизда ахборот олами имкониятларидан оқилона фойдаланиш малакасини шакллантириш, уларда ахборот истеъмоли маданиятини[1] тарбиялаш ҳаётий-амалий аҳамиятга эга. Бунинг учун эса, энг аввало, ҳар бир инсон у ёки бу ахборотни эшитар экан, ҳеч бўлмаганда "Бу ахборотни ким узатаяпти?", "Нима учун узатаяпти?" ва "Қандай мақсадда узатаяпти?" деган саволларни ўз-ўзига бериши, унга асосли жавоб топиши керак бўлади. Ана шундагина турли ғоялар таъсирига тушиб қолишнинг олди олинади" (Очилдиев А., 2010:96).

Юқорида номлари қайд этилган олимларнинг фикрлари, олиб борилган тадқиқотлар билан танишиш ва уларнинг мазмунини таҳлил этиш шуни кўрсатадики, ёшларда диний мазмундаги ахборотларни идрок этишга рационал ёндашув кўникмаларини шакллантириш муаммоси мураккаб ва кўп қиррали жараён бўлиб, ижтимоий-психологик жиҳатдан махсус тадқиқ этилмаган, муаммога доир эмпирик, социологик ва статистик маълумотлар назарий жиҳатдан умумлаштирилмаган.

Шу боис биз талабаларда диний мазмундаги ахборотларни идрок этишга рационал ёндашув кўникмаларини ривожлантиришнинг назарий асосларини аниқлаш ҳамда ушбу йўналишда аниқ ёндашувлар, илмий-методик тавсия ва таклифлар ишлаб чиқишни мақсад қилиб олдик.

НАТИЖА

Олиб борилган изланишлар қуйидагиларни асослаш имконини беради:

1. Талабаларда диний мазмундаги ахборотларни идрок этишда рационал ёндашув кўникмаларини ривожлантириш жараёни ижтимоий-психологик муаммо эканлиги;

2. Талабаларнинг ахборот истеъмоли маданияти шаклланмаганлиги, уларга мақсадли ва онгли ёндашув кўникмалари етарли эмаслиги;

3. Талабаларда диний мазмундаги ахборотларни идрок этишда рационал ёндашув кўникмаларини ривожлантириш билан боғлиқ замонавий тажрибалар етарли даражада таҳлил қилинмаганлиги;

4. Талабаларда ахборотларга рационал ёндашув кўникмаларини шакллантириш воситасида мафкуравий иммунитетни ривожлантиришнинг анъанавий, миллий услубларини педагогик амалиётга тадбиқ этиш самарадорлигини ошириш имкониятлари тадқиқ қилинмаганлиги;

5. Талабаларда диний мазмундаги ахборотларни идрок этишда рационал ёндашув кўникмаларини

[1] Ушбу тушунча илмий муомалага У.Қўшаев томонидан киритилган.

ривожлантиришнинг мазмуни, шакли, восита, методлари, технологик моделлари ва стратегиялари аниқланади;

Талабалардаги мафкуравий ғўрлик ғоявий тарбия воситалари билан боғлиқ бўлган икки муҳим сабаб билан изоҳланади.

Биринчиси, нашр ташкилотлари, ёшлар теле-радио каналлари тайёрлаётган материалларда педагогик жиҳатни ҳисобга олмасликдир. Бунга айрим радиоэшиттиришлар ва, айниқса, телекўрсатувлар дастурини тузишдаги камчиликлар асос бўлади.

Иккинчи сабаб - оммавий ахборот воситалари аҳамиятини олий ўқув юртлари, оилаларда ҳам кам тушунилаётганлигидадир. Бу жараён ўта муҳим педагогик омил ҳисобланиб, бунда нафақат билимлар тарқатиш назарда тутилади, балки анъаналар орқали миллий тараққиётга муносабат ва дунёқарашни, шунингдек, мафкуравий иммунитет мазмуни ҳам ўзгартирилади. Шу тариқа талабаларнинг ижтимоий-сиёсий ва мафкуравий иммунитетини тарбиялаш педагогик имкониятларга мос ўзгара боради.

Шу нуқтаи назардан ҳозирги вақтда республикамизда маънавий тарбия йўналишида нашриёт, радио ва телевидение, матбуотнинг олий таълим тизими, ижтимоий тарбия институтлари ва илмий-педагогик муассасалар билан ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйиш чоралари такомиллаштирилмоқда. Шу сабабдан ҳам оммавий ахборот воситалари ўз кучларини олий таълим муассасалари билан бирлаштиришга қаратмоқда. Буни биз оммавий ахборот воситалари фаолиятининг тарбиявий имкониятларидан фойдаланишни режалаштиришларида кўришимиз мумкин.

Ўтказилган социологик сўровлар шуни кўрсатдики, талабаларнинг 11 %и «Америка овози», «Би-Би-Си», ва бошқа «Интернет» сайтларидаги маълумотлардан хабардор экан. Бу онгли, ёки тасодифан (дўстлари орқали) юз беради.

Ўтказилган сўровлар натижалари шундан далолат бердики, талабалар ички ва мафкуравий ҳаёт воқеалари билан қизиқадилар, чет эл оммавий ахборот воситаларидан маълумот оладилар, уни муҳокама қиладилар; иккинчидан, кўпчилик гуруҳ мураббийлари ўз олдиларига талабаларда бузғунчи мафкуралар тарғиботига қарши иммунитетни тарбиялашнинг аниқ мақсадини режалаштирмаяптилар. Бундан ташқари, гуруҳ раҳбарларининг 69 %и бу ишни қайси шакл, услубларда олиб боришни тасаввур эта олмайдилар.

Кучли мафкуравий иммунитет – талабалардан ижтимоий-сиёсий ғўр, лоқайд, ҳаётга бефарқ ўртоқлари, тенгқурларига нисбатан фаол, танқидий нуқтаи назардан қарашларини талаб этади. Шунинг учун норасмий, ўртоқлар доирасида баъзан сусткашлик, ғоявий ҳаракатсизлик, мамлакатимизнинг эришган ютуқлари, унинг ташқи ва ички сиёсати тўғрисида бўҳтон маълумотлар келтирилганда, уларга бефарқлик ҳоллари учраб туради. Тарқатилаётган сиёсий бўҳтонларга ўзларининг бефарқ қарашларини талабалар:

«Ахир улар яхши болалар-ку?» (Нигора);

«Ҳамма шусиз ҳам бунинг бўҳтонлигини билади-ку, нима кераги бор тортишишнинг?» (Маҳмуд);

«Нимага бекордан бекорга баҳслашиш керак?» (Санжар),

«Агар мен тортиша бошласам, мендан хафа бўлишади, тушунишмайди. Шундоқ ҳам аниқ-ку, кураш кетаяпти, бизнинг душманларимиз маккор» (Азиза),

«Менинг айрим танишларим «Би-Би-Си» тарқатаётган бемаза хабарларни ўзининг сиёсий хабардорлигини кўрсатиш учун ҳаммага айтиб юради» (Шерзод) қабилидаги гаплар билан оқлашади.

Бунинг педагогик талқини қандай бўлади? Талабаларни халқаро ҳаёт тўғрисидаги сиёсий ва тарихий билимлардан (сиёсий дунёқараш тизимида айнан шу йўналишлар устувордир) ўз-ўзидан янги босқичга - бизга ёт мафкура билан фаол курашишга ўтади, деб ўйлаш хатодир. Бунинг учун ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришга қаратилган кенг тармоқланган, оммавий ахборот воситаларидан унумли фойдаланувчи махсус психокоррекцион дастур ишлаб чиқилиб, амалга оширилиши керак.

Диний мазмундаги ахборотларни идрок этиш талабалар савияси, сиёсий хабардорлик даражаси, ижтимоий фаолиятдаги иштироки билан боғлиқ жараён ҳисобланади. Бунинг самарадорлигини эса:

- талабалар томонидан диннинг моҳиятини билишлари ва тўғри идрок этишлари;
- ушбу билимларни юз бераётган мафкуравий воқеаларни таҳлил қилиш ва баҳолаш учун қўллай олиш маҳорати;
- бошқа давлатларнинг мафкуравий сиёсати моҳиятини, сиёсий воқеаларни, собитлик билан кузата билиш қобилияти;
- мазкур тушунча ва масалаларни ўртоқлари билан мулоқотда кўп марта муҳокама қилиши;
- сиёсий ахборот, баҳсларда фаоллиги;
- тарғибот ва қарши тарғибот фаолиятида қатнашиш истаги мавжудлигининг даражаси;

- олий ўқув юртидаги маънавий-маърифий ва тарбиявий ишнинг барча шаклларида қатнашиш фаоллиги даражаси талабаларнинг диний мазмундаги ахборотларга рационал ёндашув даражасининг мезонларини белгилайди.

МУҲОКАМА

Бизнинг тавсияларимиз асосида ўтказилган суҳбатлар муаммоли хусусиятга эга бўлган саволлар ёрдамида қурилди. Масалан, «Сохта диний маълумотлар: у кимга хизмат қилади?» мавзусидаги суҳбатда талабаларга интернет тармоқларида дин ниқоби остидаги тарқатилаётган ахборотларга мисол бўлувчи материалларни танлаб олиш вазифаси берилди. Бунда талабаларнинг аниқ маълумотларга асосланган чиқишлари сохта диний маълумотларнинг ҳалқ онгига қарши қаратилган моҳиятини очиб ташлади. Шундай қилиб, талабалар таҳлил мобайнида сохта диний даъват ва қарашларни инкор қилиш ва уларга раддия бериш кўникмаларига эга бўлдилар.

Талабаларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг амалий воситаларидан бири - «Матбуот конференцияси» шаклидаги ролли ўйин эканлиги аниқланди.

«Матбуот конференцияси» мобайнида «мухбир» талабаларга саволлар беради, президиумдаги «арбоблар» бўлса, берилган саволларга асосли тарзда жавоб беришга ҳаракат қиладилар ва ёт мафкуралар моҳиятининг вайронкорлигини кўрсатадилар. «Матбуот конференцияси» одатда саволлар ва жавобларнинг жамоавий таҳлили, айримларини аниқлаштириш ва тўлдириш билан якунланади. Муаммоли масалаларни ўртага ташлаш, уларни мустақил ҳал қилиш талабаларнинг қўшимча билимларга эга бўлиши, дунёқарашига оид масалаларнинг ривожланиши, ўз фикрларини далиллар билан исботлаш кўникмалари ва маҳоратининг шаклланишига ёрдам беради.

НАТИЖАЛАР

Оммавий тажрибани ўрганиш шуни кўрсатадики, диний мазмундаги ахборотларни идрок этишга рационал ёндашувни шакллантиришда:

- илмийлик тамойилига изчил таяниш;
- баён қилинаётган далилларни диний ақидапарастликнинг ҳар қандай кўринишларига кучли муросасизлик билан боғлаш;
- ёшларни баҳслашишга ўргатиш;
- диний мазмундаги ахборотларни рационал тафаккур асосида таҳлил қилиш;
- талабаларнинг ижтимоий фаоллигини ҳар томонлама рағбатлантириш;
- энг муҳими, талабалар онги ва ҳис-туйғулари, эҳтиёжини оқилона ҳисобга олиш тамойилларига амал қилингандагина самарадорликка эришиш мумкин. Долзарб масалаларга бўлган эътиборнинг сусайиши, тезкорликнинг етишмаслиги, жавобсиз қолган ҳар бир савол эса сохта диний ахборот тарғиботчиларига қўл келади.

Талаба ёшларда сиёсий огоҳликни, мафкуравий иммунитетни тарбиялаш олий ўқув юртидаги маънавий-маърифий ишлар тизимида амалга оширилади.

Демак, мафкуравий тарбиянинг дунё миқёсида шу кунгача эришилган ютуқларини умумлаштириб, диний мазмундаги ахборотларни идрок этишга рационал ёндашув механизмини яратиш ва халқни-халқ, миллатни-миллат қилиш мақсадларига сафарбар этиш зарур. Барча ташкилот, муассаса, ўқув юртларида миллий тарбия тизими жорий қилиниб, уларнинг мавзулари ҳаётий бўлиши, ички ва ташқи мафкуравий таҳдидларга қарши иммунитет ҳосил этишга қаратилиши лозим. Ана шунда «БИЗ МИЛЛАТМИЗ» деган психологик, маънавий бирлик яратилади. Ички ва ташқи мафкуравий таҳдид ҳавфининг ҳар бир ўзбекистонликка уқтирилиши «БИЗ» туйғусини, яъни умуммиллий жипслашувни кучайтиради.

ХУЛОСА

Олинган натижаларнинг таҳлили олий ўқув юртлари маънавият ва маърифат мутасаддиларига талабаларда диний мазмундаги ахборотларни идрок этишга рационал ёндашишни, мустақилликни мустаҳкамлашга таҳдид солаётган кучларга муросасиз бўлиш кўникмаларини ривожлантириш имконини берди.

Талабаларнинг тўгараклар, турли бирлашмалар, ижоди мазмун ва шакли жиҳатидан турлича бўлган фаолият турлари ҳам рационал тафаккурни шахсий фикр, мустақил изланишлари билан ўзаро мувофиқлаштиришга хизмат қилиши яққол тасдиқланди. Бунда диний мазмундаги ахборотларнинг моҳияти англаб олинди, ва талабаларда бундай ахборотларни саралаш кўникмалари шаклланиши асослаб берилди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонуни. Ахборот ва ахборотлаштиришга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. -Т.: Адолат, 2008. – 50 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 апрелдаги “Диний мазмундаги материалларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш ҳамда диншунослик экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги 180-сон қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи (Нью-Йорк шаҳри, 2017 йил 19 сентябрь) // Халқ сўзи, 2017 йил 20 сентябрь, № 189.
4. Мирзиёев Ш. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. //Халқ сўзи. 2020 йил 25 январь, № 19. -Б. 1–4.
5. Мирзиёев Ш. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. -Тошкент: Ўзбекистон. 2016. - 56 б.
6. Мирзиёев Ш. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. -Тошкент: Ўзбекистон. 2016. -488 б.
7. Мирзиёев Ш. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатлари таъминлаш-юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. -Тошкент: Ўзбекистон, 2016. -488 б.
8. Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. -Тошкент: Ўзбекистон, 2017. - 104 б.
9. Айрапетова А. Диний ва маънавий хавфсизлик асослари. Ахборот-маълумотнома тусидаги қўлланма. -Т., 2021. -186 б.
10. Авлоний А. Туркий гулистон ёҳуд ахлоқ. -Т.: Ўқитувчи, 1992.-160 б.
11. Абдуллажонов О. Диний ақидапарастликнинг келиб чиқиши, моҳияти ва Ўзбекистонга кириб келиши. -Т.: Академия, 2000. - 66 б.
12. Ананьев Б. Человек как предмет познания . -Л., 1969 . -179 с.
13. Айтматов Ч. Асрга татигулик кун. -Т., 1989.
14. Бекмуродов М. Мафкуравий зомби қилиш механизми / “Халқ сўзи” газетаси, 2006. -Б.3.
15. Бекпўлатов Ҳ., Мамадалиев Р. Глобаллашув шароитида ахборот хуружларига қарши курашнинг айрим масалалари // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. -Т.: 2016. №1. -Б.14.
16. Грачёв Г. Информационно-психологическая безопасность личности: состояние и возможности психологической защиты. -М.: Изд-во РАГС, 1998. -125 с.
17. Дўстмуҳаммад Х. Глобаллашув даври ва ахборот макони // Ўзбекистон матбуоти, 2007 йил 3-сон. -Б.12-14.
18. Ислом: Бағрикенглик ва мутаассиблик. -Т.,1998.
19. Каримова В. Тарғиботнинг психологик услублари. Маъруза матни. -Т.: Маънавият, 2001. -16 б.
20. Каримова В. Маънавий таҳдидларни келтириб чиқарувчи ахборотларга қарши психологик хавфсизликни таъминлаш омиллари / Илмий тўплам, 2010.
21. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008. -176 б.
22. Nematullo Mukhamedov, Lazizakhon Alidjanova (2020). Personality of Khoja Akhror and his factor in the social-spiritual Life // ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal_ https://www.indianjournals.com/ijor.aspx?target=ijor:aca&volume=10&issue=10&article=192. Pages: 1242-1246. DOI: 10.5958/2249-7137.2020.01263.X
23. Очилдиев А. Миллий ғоя, инсон ва замон. -Т.: Янги аср авлоди, 2001. -96 б.
24. Очилдиев А. Мафкуравий глобаллашувнинг ўзига хос хусусиятлари / Илмий тўплам. 2010.
25. Почепцов Г. Информационные войны. Новый инструмент политики. -М.: Эксмо, 2015.
26. Примов Б. Ахборот оқимининг ахлоқий қадриятларга таъсири // “Жамият ва бошқарув” журнали, 2011. 2-сон. -Б.21.
27. Умарова Н. Глобаллашув шароитида ахборот хуружларига қарши кураш. -Т.: Академия, 2005. -Б. 4.
28. Фарфиева К. Оммавий ахборот воситалари таъсирида талабаларда ижтимоий тасаввурлар шаклланишининг ўзига хослиги (телевидение мисолида) // Психол. ф. н. илмий даража. олиш учун ёзилган дис. автореф. -Т.: ЎзМУ, 2005. -21 б.
29. Қодиров Б. Ахборот оқими ва ёшлар маънавияти // Тафаккур, 2015. № 2. -Б.82.
30. Қуронов М., Жабборов Ҳ. Аҳолида ички ва ташқи таҳдидларга қарши мустаҳкам мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг таъсирчан педагогик-психологик тамойиллари // Психология. –Бухоро, 2017. 4- сон. –Б.16.
31. Ҳуснидинов З. Ислом ва мазҳаблар. -Т.: Маънавият, 2000. –26 б.

REFERENCES:

1. O‘zbekiston Respublikasining “Axborotlashtirish to‘g‘risida”gi Qonuni. Axborot va axborotlashtirishga oid normativ-huquqiy hujjatlar to‘plami. -T.: Adolat, 2008. – 50 b.
2. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022 yil 14 apreldagi “Diniy mazmundagi materiallarni tayyorlash, olib kirish va tarqatish hamda dinshunoslik ekspertizasini o‘tkazish tartibi to‘g‘risida”gi 180-son qarori.
3. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning Birlashgan Millatlar Tashkiloti Bosh Assambleyasining 72-sessiyasida so‘zlagan nutqi (Nyu-York shahri, 2017 yil 19 sentabr) // Xalq so‘zi, 2017 yil 20 sentabr, № 189.

4. Mirziyoev Sh. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning Oliy Majlisga murojaatnomasi. //Xalq so‘zi. 2020 yil 25 yanvar, № 19. -B. 1–4.
5. Mirziyoev Sh. Erkin va farovon, demokratik O‘zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz. -Toshkent: O‘zbekiston. 2016. - 56 b.
6. Mirziyoev Sh. Buyuk kelajagimizni mard va oliyjanob xalqimiz bilan birga quramiz. -Toshkent: O‘zbekiston. 2016. -488 b.
7. Mirziyoev Sh. Qonun ustuvorligi va inson manfaatlari ta’minlash-yurt taraqqiyoti va xalq farovonligining garovi. -Toshkent: O‘zbekiston, 2016. -488 b.
8. Mirziyoev Sh. Tanqidiy tahlil, qat’iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik-har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo‘lishi kerak. -Toshkent: O‘zbekiston, 2017. -104 b.
9. Ayrapetova A. Diniy va ma’naviy xavfsizlik asoslari. Axborot-ma’lumotnoma tusidagi qo‘llanma. -T., 2021. -186 b.
10. Avloniy A. Turkiy guliston yohud axloq. -T.: O‘qituvchi, 1992. -160 b.
11. Abdullajonov O. Diniy aqidaparastlikning kelib chiqishi, mohiyati va O‘zbekistonga kirib kelishi. -T.: Akademiya, 2000. - 66 b.
12. Ananev B. Chelovek kak predmet poznaniya . -L., 1969 . -179 s.
13. Aytmatov Ch. Asrga tatigulik kun. -T., 1989.
14. Bekmurodov M. Mafkuraviy zombi qilish mexanizmi. / Xalq so‘zi. 2006 yil. -B.3.
15. Bekpo‘latov H., Mamadaliev R. Globallashuv sharoitida axborot xurujlariga qarshi kurashning ayrim masalalari // O‘zbekistonda ijtimoiy fanlar. -T.: 2016, №1. -B. 14.
16. Grachyov G. Informatsionno-psixologicheskaya bezopasnost lichnosti: sostoyanie i vozmojnosti psixologicheskoy zashiti. -M.: Izd-vo RAGS, 1998. -125 s.
17. Do‘stmuhammad X. Globallashuv davri va axborot makoni // O‘zbekiston matbuoti, 2007 yil 3-son, 12-14 b.
18. Islom: Bag‘rikenglik va mutaassiblik. -T.,1998.
19. Karimova V. Targ‘ibotning psixologik uslublari. Ma’ruza matni. -T.: Ma’naviyat, 2001. -16 b.
20. Karimova V. “Ma’naviy tahdidlarni keltirib chiqaruvchi axborotlarga qarshi psixologik xavfsizlikni ta’minlash omillari” / Ilmiy to‘plam, 2010.
21. Karimov I. Yuksak ma’naviyat – yengilmas kuch. -T.: Ma’naviyat, 2008. -176 b.
22. Nematullo Mukhamedov, Lazizakhon Alidjanova (2020). Personality of Khoja Akhror and his factor in the social-spiritual Life // ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal_ https://www.indianjournals.com/ijor.aspx?target=ijor:aca&volume=10&issue=10&article=192. Pages: 1242-1246. DOI : 10.5958/2249-7137.2020.01263.X
23. Ochildiev A. Milliy g‘oya, inson va zamon. -T.: Yangi asr avlodi, 2001. -96 b.
24. Ochildiev A. Mafkuraviy globallashuvning o‘ziga xos xususiyatlari / Ilmiy to‘plam. 2010.
25. Pochepsov G. Informatsionniye voyni. Noviy instrument politiki. -M.: Eksmo, 2015.
26. Primov B. Axborot oqimining axloqiy qadriyatlarga ta’siri // Jamiyat va boshqaruv. 2011. 2-son. -B.21.
27. Umarova N. Globallashuv sharoitida axborot xurujlariga qarshi kurash. -T.: Akademiya, 2005. -4 b.
28. Farfieva K. Ommaviy axborot vositalari ta’sirida talabalarda ijtimoiy tasavvurlar shakllanishining o‘ziga xosligi (televidenie misolida) // Psixol. f. n. ilmiy daraja. olish uchun yozilgan dis. avtoref. -T.: O‘zMU, 2005. -21 b.
29. Qodirov B. Axborot oqimi va yoshlar ma’naviyati // Tafakkur, 2015. № 2. -B. 82.
30. Quronov M., Jabborov H. Aholida ichki va tashqi tahdidlarga qarshi mustahkam mafkuraviy immunitetni shakllantirishning ta’sirchan pedagogik-psixologik tamoyillari // Psixologiya. –Buxoro, 2017. 4- son. 16-b.
31. Husnidinov Z. Islom va mazhablar. -T.: Ma’naviyat, 2000. - 26 b.